

Электр тармоқлариға уланиш бўйича янги тартиб белгиланди.



Ҳукумат қарори (555-сон, 31.08.2021-й.) билан Юридик ва жисмоний шахсларни электр тармоқлариға улаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти тасдиқланди.

Регламентга кўра, истеъмолчи электр тармоқлариға уланиш учун Давлат хизматлари марказлариға ўзи келиб мурожаат этади ёки ЯИДХП ёхуд “ЭЛЕКТР” дастурий таъминоти (Онлайн платформа) орқали рўйхатдан ўтади.

Сўровнома тўлдирилиб, тегишли маълумотлар тақдим этилади.

Хизмат учун БХМнинг 10 фоизи (27 минг сўм) миқдорида йиғим ундирилади. ЯИДХП орқали мурожаат этилганда йиғим миқдори 24 300 сўмни ташкил этади.

Истеъмолчилар электр тармоқлариға уланиш учун Онлайн платформа орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат этганда йиғим ундирилмайди.

Истеъмолчи мурожаат этган кундан бошлаб 3 иш кунида электр тармоқлариға уланишни рад этган тақдирда, тегишли тўлов суммаси истеъмолчига 3 иш кунида қайтариб берилади.

Уланадиган қуввати 20 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқлариға улаш учун электр таъминоти лойиҳасини ишлаб чиқиш талаб этилмайди. Бунда ХЕТК томонидан ишлаб чиқилган электр тармоқлариға улаш схемаси электр таъминоти лойиҳаси ҳисобланади ва уни келишиш талаб этилмайди.

Уланадиган қуввати 50 кВтгача бўлган истеъмолчиларни электр тармоқлариға улаш белгиланган муддатларда табақалашган бир марталик тўлов асосида амалга оширилади.

Мазкур тартиб 2022-йил 1-январдан бошлаб кучга киритилади.